ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я С И

Ички ишлар органлари фаолиятини бошқаришдаги мавжуд муаммо ва ечимлар

Республика илмий-амалий конференция материаллари
(2026 йил 01 июнь)

Тошкент – 2026

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ўқув-услубий кенгашида маъқулланган

Масъул муҳаррир:

юридик фанлар доктори, профессор **Б.А.Саидов**

Тақризчилар:

юридик фанлари доктори, профессор **А.А. Матчанов;**
юридик фанлари доктори, профессор **Б.Б. Муродов.**

Таҳрир ҳайъати:
Б.А.Саидов, О.Д.Алланазаров, Б.Қ. Эргашев

Нашрга тайёрловчи:
Ҳ.Э.Ахмедов

Ж 54 **Ички ишлар органлари фаолиятини бошқаришдаги мавжуд муаммо ва ечимлар:** Республика илмий-амалий конференция материаллари (2026 йил 01 июнь) / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Б.А.Саидов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2026. – 443-б.

Ушбу тўпламда ички ишлар органлари фаолиятини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, бошқарув жараёнларини рақамлаштириш, соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларнинг тизимли ечимларини ишлаб чиқиш соҳасида халқаро ҳамкорликка доир масалалар, назария, амалиёт ва қонунчилик таҳлили бўйича миллий ва илғор хорижий тажрибалар ёритилган. Хусусан, замонавий менежмент усулларини жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, қарорлар қабул қилиш жараёнида бюрократияни камайтириш ҳамда тизим самарадорлигини баҳолашнинг замонавий механизмлари илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Тўплам юридик таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар ва амалиёт ходимлари, мустақил изланувчилар, магистратура тингловчилари ҳамда курсантларга мўлжалланган.

Мақолалар мазмуни ва фактларнинг тўғрилиги учун муаллифлар масъулдирлар.

УЎК 351/354(0758)(575.1)

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2026

Шарипов Санжар Собирович,
Қурбонов Жаҳонгир Собирович
ИИВ Академияси Магистратура "Ташкилий-тактик бошқарув" мутахассислиги тингловчиси, подполковник

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олишда ҳудудий криминоген омилларнинг ўрни ва аҳамияти

Аннотация

Мазкур мақолада криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятчиликнинг шаклланишига таъсир қилувчи ҳудудий криминоген омиллар таҳлил қилинган. Тадқиқот доирасида иқтисодий ва ижтимоий объектлар концентрацияси, транзит босим, бозор муҳити, жиноят ўчоқлари ҳамда кўнгилочар объектларнинг криминоген вазиятга таъсири ўрганилган. Шунингдек, мавжуд статистик ёндашувларнинг чекланган жиҳатлари аниқланиб, маҳалланинг криминоген ҳолатини комплекс баҳолашга қаратилган "Ҳудудий криминоген баҳолаш модели" таклиф этилган. Мазкур модель асосида маҳаллаларни криминоген босим даражаси бўйича тоифалаш, профилактика куч ва воситаларини мақсадли тақсимлаш ҳамда хавф даражаси юқори бўлган ҳудудларни барвақт аниқлаш имкониятлари асосланган.

Калит сўзлар: криминоген вазият, маҳалла, ҳудудий криминоген омиллар, транзит босим, жиноят ўчоқлари, бозор муҳити, кўнгилочар объектлар, криминоген баҳолаш, СПТЕД, ҳудудий криминоген профил.

Аннотация

В данной статье проанализированы территориальные криминогенные факторы, влияющие на формирование преступности в махаллях со сложной криминогенной обстановкой. В рамках исследования изучено влияние концентрации экономических и социальных объектов, транзитной нагрузки, рыночной среды, очагов преступности и объектов досуга на криминогенную

ситуацию. Кроме того, выявлены ограничения существующих статистических подходов и предложена «Модель территориальной криминогенной оценки», направленная на комплексную оценку криминогенного состояния махалли. На основе данной модели обоснованы возможности классификации махаллей по уровню криминогенной нагрузки, целевого распределения профилактических сил и средств, а также раннего выявления территорий с повышенным уровнем риска.

Ключевые слова: криминогенная ситуация, махалля, территориальные криминогенные факторы, транзитная нагрузка, очаги преступности, рыночная среда, объекты досуга, криминогенная оценка, СПТЕД, территориальный криминогенный профиль.

Бугунги кунда урбанизация жараёнларининг жадаллашуви, аҳоли зичлигининг ортиши, иқтисодий фаолликнинг маълум ҳудудларда юқори даражада жамланиши ҳамда транспорт-транзит тизимларининг кенгайиши маҳаллаларнинг криминоген ҳолатига таъсир этувчи муҳим омиллардан бирига айланмоқда. Айниқса, иқтисодий ва ижтимоий объектлар юқори даражада концентрациялашган, аҳоли ва транспорт оқими катта бўлган, бозорлар ҳамда кўнгилочар объектлар жойлашган маҳаллаларда криминоген босимнинг нисбатан юқори даражада шаклланиши кузатилмоқда.

Криминология фанида жиноятчиликни фақат шахснинг индивидуал хусусиятлари ёки ижтимоий ҳолати билан эмас, балки ҳудудий муҳит хусусиятлари орқали ҳам баҳолаш тенденцияси шаклланган. Хусусан, шаҳар муҳити, аҳоли ҳаракатчанлиги, ижтимоий назорат даражасининг пастлиги, иқтисодий фаоллик ҳамда ташқи субъектлар таъсири жиноятчиликка бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида баҳоланади.

Америкалик олимлар К. Шоу ва Г. Маккей ўзларининг ижтимоий дезорганизация назариясида жиноятчилик муайян шахсларга эмас, балки ҳудуднинг ижтимоий муҳити, аҳоли таркибининг ўзгарувчанлиги ҳамда назорат механизмларининг заифлашуви билан боғлиқ ҳолда шаклланишини

асослаб берганлар. Уларнинг фикрига кўра, аҳоли алмашинуви юқори бўлган, иқтисодий жиҳатдан фаол ҳамда ташқи таъсир кучли бўлган ҳудудларда жиноятчилик даражаси нисбатан юқори бўлади.

Шунингдек, Ж. Жейкобс шаҳар муҳитида "табиий кузатув" ("ейес он тҳе стреет") механизмининг сусайиши жамоат жойларида ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини оширишини таъкидлаган.

Мазкур ёндашувлардан келиб чиқиб, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишда ҳудудий криминоген омилларни аниқлаш ҳамда уларни баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу мақоланинг мақсади криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олишга таъсир этувчи ҳудудий криминоген омилларни аниқлаш, уларнинг таъсир даражасини баҳолаш ҳамда мазкур омиллар асосида "Ҳудудий криминоген баҳолаш модели"ни ишлаб чиқишдан иборат.

Ҳудудий криминоген омиллар назарияси хорижий криминологияда нисбатан кенг ўрганилган бўлса-да, маҳалла даражасида жиноятчиликни ҳудудий муҳит хусусиятлари орқали баҳолаш масаласи миллий тадқиқотларда ҳалигача етарли даражада мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланмаган.

П. Брантингем томонидан ишлаб чиқилган экологик криминология концепциясига кўра, жиноятлар тасодифий равишда эмас, балки муайян муҳит шароитида, аҳоли ҳаракати юқори бўлган ҳамда иқтисодий фаоллик жамланган нуқталарда кўпроқ содир бўлади. У жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган ҳудудларни "фаолият майдонлари" сифатида тавсифлаган.

Л. Коэн ва М. Фелсоннинг "Кундалик фаолият назарияси"га кўра, жиноятнинг юзага келиши учун ҳуқуқбузар шахс, муносиб объект ҳамда самарали назоратнинг етишмаслиги бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиши талаб этилади. Мазкур назария бозорлар, транзит ҳудудлар, кўнгилочар

объектлар ва аҳоли тўпланадиган жойларда жиноятчиликни тушунтиришда муҳим аҳамиятга эга.

О. Ньюман эса “Ҳимояланувчи макон” назарияси орқали муҳитни функционал ташкил этиш, табиий кузатувни кучайтириш ҳамда жамоат ҳудудларини хавфсиз режалаштириш жиноятчилик даражасини пасайтиришга хизмат қилишини асослаб берган.

Кейинчалик мазкур ёндашувлар асосида шаклланган СПТЕД (Сриме Превентион Тҳроугҳ Енвиронментал Десигн) концепцияси муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятларнинг олдини олиш тизими сифатида ривожланди. Бугунги кунда мазкур ёндашув шаҳар хавфсизлигини таъминлашда қатор давлатларда қўлланилмоқда.

Ўрганилган материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодий объектлар концентрацияси, транзит босим, бозор муҳити, кўнгилочар объектлар жамланиши ҳамда жиноят ўчоқлари маҳалланинг криминоген ҳолатига таъсир қилувчи мустақил ҳудудий омиллар сифатида баҳоланиши мумкин.

Ҳудудий криминоген омилларнинг криминологик тавсифини қуйидаги тўртта йўналиш бўйича гуруҳлаган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Биринчи йўналиш. Иқтисодий ва ижтимоий объектлар концентрацияси ҳамда транзит инфратузилманинг криминоген вазиятга таъсири.

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ҳудудий омиллар ичида иқтисодий ва ижтимоий объектлар концентрацияси алоҳида аҳамият касб этади. Амалиёт таҳлиллари шуни кўрсатадики, савдо объектлари, хизмат кўрсатиш муассасалари, умумий овқатланиш жойлари, кўнгилочар объектлар ҳамда бошқа иқтисодий инфратузилма объектларининг бир ҳудудда жамланиши аҳоли ҳаракатчанлигини оширади ва ташқи субъектлар улушининг кўпайишига олиб келади.

Криминология нуқтаи назаридан мазкур ҳолат икки томонлама таъсир хусусиятига эга. *Биринчидан,* иқтисодий фаоллик ҳудуднинг ижтимоий ривожланишига хизмат қилади. *Иккинчидан* эса, аҳоли тўпланиши ва ташқи ташриф буюрувчилар сонининг ортиши криминоген босимнинг кучайишига сабаб бўлади.

П.Ж. Брантингем ва П.Л. Брантингемларнинг фикрига кўра, бундай ҳудудларда инсон ҳаракатининг интенсивлиги, вақт бўйича аҳоли тўпланиши ҳамда объектлар концентрацияси жиноят содир этиш имкониятларининг кенгайишига олиб келади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, иқтисодий ва ижтимоий объектлар концентрацияси юқори бўлган секторларда криминоген юклама бошқа ҳудудларга нисбатан юқорироқ шаклланади. Бунда жиноятчиликка таъсир қилувчи қуйидаги омиллар кузатилиши мумкин: ташқи субъектлар оқимининг юқорилиги, иқтисодий фаолликнинг жамланиши, юқори нақд пул айланмаси, мулкий объектлар концентрацияси ҳамда ички ижтимоий назорат механизмларининг нисбатан пасайиши.

Айниқса, йирик транзит кўчаларнинг мавжудлиги мазкур таъсирни янада кучайтиради. Транзит йўллар нафақат транспорт ҳаракатини, балки ташқи шахсларнинг кириб келишини ҳам оширади. Бу эса маҳалланинг анъанавий ижтимоий назорат тизимига қўшимча юклама юклайди.

Криминолог олимларнинг фикрича, шаҳар муҳитида жамоат ҳудудлари устидан табиий кузатув механизмининг сусайиши ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолининг ортишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан қараганда, юқори иқтисодий юкламага эга маҳаллаларда жамоат назорати, видеокузатув, ташқи ёритиш ҳамда ҳудудий мониторинг механизмларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан иқтисодий ва ижтимоий объектлар концентрацияси бирламчи ҳудудий криминоген омил сифатида баҳоланади.

Иккинчи йўналиш. Аҳоли ва транспорт оқими юқорилиги (транзит босим)нинг криминоген таъсири.

Замонавий шаҳар криминологиясида аҳоли ва транспорт ҳаракати юқори бўлган ҳудудлар “транзит босим ҳудудлари” сифатида қаралади. Бундай муҳитда доимий аҳоли билан бир қаторда вақтинча келувчилар, хизмат кўрсатувчи субъектлар, савдо иштирокчилари ҳамда ташриф буюрувчилар улуши ортиб боради.

Л. Коэн ва М. Фелсоннинг кундалик фаолият назариясига мувофиқ, жиноят содир бўлиши учун ҳуқуқбузар шахс, муносиб объект ҳамда етарли назоратнинг мавжуд эмаслиги бир вақтнинг ўзида юзага келиши лозим.

Транзит босими юқори бўлган маҳаллаларда мазкур учала элементнинг бир вақтда шаклланиши эҳтимоли мавжуд. *Биринчидан,* ташқи субъектлар оқимининг ортиши ҳуқуқбузар шахслар улушининг кўпайишига олиб келади. *Иккинчидан,* иқтисодий объектлар ва аҳоли тўпланишининг кучайиши муносиб объектлар сонининг ортишига сабаб бўлади. *Учинчидан,* кўп сонли кириш-чиқиш нуқталарининг мавжудлиги доимий назоратни мураккаблаштиради.

Шу билан бирга, дам олиш кунлари ҳамда куннинг муайян вақтларида аҳоли ва транспорт оқимининг ортиши жиноятчиликнинг “пик вақти” юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Хорижий амалиётда, айниқса Сингапур тажрибасида, юқори транзит юкламага эга ҳудудларда вақт бўйича хавф таҳлили, ҳаракат интенсивлигини мониторинг қилиш, куч ва воситаларни динамик қайта тақсимлаш ҳамда юқори хавфли вақт интервалларини белгилаш амалиёти қўлланилади.

Шу сабабли “транзит босим коэффициенти” тушунчасини киритиш таклиф этилади. У қуйидаги мезонлар асосида баҳоланиши мумкин: аҳоли ҳаракати интенсивлиги, транспорт юкламаси, ташқи субъектлар улуши, кириш-чиқиш нуқталари сони ҳамда пик вақтларнинг мавжудлиги.

Учинчи йўналиш. Жиноят ўчоқлари ва бозор муҳитининг криминоген вазиятга таъсири.

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятчиликнинг шаклланишига таъсир этувчи муҳим ҳудудий омиллардан бири жиноят ўчоқларининг мавжудлиги ҳисобланади. Тадқиқот доирасида жиноят ўчоқлари сифатида илгари ҳуқуқбузарликлар қайд этилган ёки ҳуқуқбузарлик содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган, аҳоли доимий тўпланадиган, ташқи субъектлар иштироки юқори ҳамда жамоат назорати нисбатан чекланган ҳудудлар тушунилди.

Экологик криминология ва “жиноят нуқталари” назариясига кўра, жиноятлар ҳудуд бўйлаб бир хил тақсимланмайди. Аксинча, улар маълум нуқталарда тўпланади ва вақт ўтиши билан барқарор криминоген марказларга айланиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан бозор муҳити алоҳида аҳамият касб этади. Бозорлар ва уларга туташ ҳудудларда қуйидаги криминоген омиллар кузатилиши мумкин: аҳоли ва транспорт оқимининг юқорилиги, ташқи ташриф буюрувчилар концентрацияси, нақд пул айланмасининг катталиги, транспорт воситаларининг тўпланиши, пиёдалар ҳаракатининг тизимлашмаганлиги ҳамда норасмий иқтисодий фаолият элементлари.

М. Берман томонидан ишлаб чиқилган “Брокен Виндовс” концепциясига кўра, муҳитдаги тартибсизлик, назоратнинг пасайиши ҳамда майда ҳуқуқбузарликларнинг сақланиб қолиши кейинчалик оғирроқ ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратиши мумкин.

Шу сабабли бозор муҳитини фақат иқтисодий объект сифатида эмас, балки ҳудудий криминоген муҳитни шакллантирувчи омил сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари асосида бозор ҳудудларини қуйидаги мезонлар бўйича баҳолаш таклиф этилади: аҳоли тўпланиши даражаси, транспорт юкламаси, ташқи субъектлар улуши, норасмий иқтисодий фаолликнинг

мавжудлиги, назорат инфратузилмасининг ҳолати ҳамда жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар динамикаси.

Тўртинчи йўналиш. Кўнгилочар объектлар концентрациясининг криминоген таъсири.

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ресторанлар, кафе, чойхоналар, тунги дам олиш масканлари, караоке клублари, компьютер ўйин марказлари ҳамда бошқа кўнгилочар объектларнинг концентрацияси жиноятчиликка таъсир этувчи мустақил ҳудудий омил сифатида баҳоланиши мумкин.

Кўнгилочар объектлар муҳитида қуйидаги криминоген омиллар устун аҳамият касб этади.

Ижтимоий-концентрация омиллари: кечки ва тунги вақтларда аҳолининг тўпланиши, турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кучайиши, ташқи ташриф буюрувчилар улушининг ортиши ҳамда маҳалла ички ижтимоий назоратининг нисбатан сусайиши.

Маиший-конфликт омиллари: хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келувчи келишмовчиликлар, навбат ва жой тақсимоти билан боғлиқ низолар, шунингдек импульсив ҳаракатлар.

Иқтисодий омиллар: нақд пул айланмасининг юқорилиги, қимматбаҳо мол-мулк объектларининг жамланиши ҳамда автотранспорт воситалари тўпланиши.

Шу муносабат билан кўнгилочар объектлар жойлашган ҳудудларда “тунги криминоген босим” тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мазкур тушунчани қуйидаги мезонлар асосида баҳолаш мумкин: объектлар концентрацияси, кечки вақтларда аҳоли тўпланиши, ташқи субъектлар улуши, назорат инфратузилмасининг ҳолати, ҳуқуқбузарликлар динамикаси ҳамда мурожаатларнинг сони ва хусусияти.

Бундай ёндашув профилактика куч ва воситаларини вақт ҳамда ҳудуд хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мақсадли тақсимлаш имконини беради.

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини самарали ташкил этишда маҳаллаларни баҳолашнинг мавжуд ёндашувлари ҳамда уларнинг чекланган жиҳатларини аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Амалиётда криминоген вазиятни баҳолаш асосан жиноятлар сони, ҳуқуқбузарликлар статистикаси, профилактик ҳисобда турувчи шахслар сони ёки мурожаатлар динамикаси асосида амалга оширилади. Бироқ мазкур ёндашувлар жиноятчиликни юзага келтирувчи муҳит омилларини тўлиқ қамраб олмайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, айрим маҳаллаларда жиноятлар сони нисбатан паст бўлиши мумкин. Бироқ бундай ҳудудларда иқтисодий объектлар концентрациясининг юқорилиги, ташқи субъектлар оқимининг катталиги, бозор муҳитининг шаклланганлиги, аҳоли ҳаракатининг интенсивлиги, кўнгилочар объектларнинг жамланганлиги ҳамда жиноят ўчоқларининг мавжудлиги кузатилиши мумкин.

Бундай шароитда жиноятчилик статистикаси нисбатан паст кўринган тақдирда ҳам яширин криминоген босим сақланиб қолиши эҳтимоли мавжуд.

Америкалик олим Л. Шерманнинг фикрига кўра, жиноятларни таҳлил қилишда фақат содир этилган ҳуқуқбузарликларни эмас, балки улар юзага келиши эҳтимоли мавжуд бўлган ҳудудий нуқталарни ҳам баҳолаш талаб этилади.

Шу нуқтаи назардан амалдаги мавжуд статистик ёндашувлардан фарқ қилувчи “Ҳудудий криминоген баҳолаш модели” ишлаб чиқилди.

Таклиф этилаётган модель маҳалланинг криминоген вазиятига таъсир кўрсатувчи ҳудудий омилларни комплекс баҳолашга қаратилган бўлиб, у олтита асосий индикатордан ташкил топади.

1-индикатор. Иқтисодий-ижтимоий концентрация коэффициенти.

Мазкур индикатор қуйидаги кўрсаткичларни қамраб олади: иқтисодий объектлар жамланиши, савдо объектлари, хизмат кўрсатиш муассасалари, умумий овқатланиш жойлари ҳамда ижтимоий объектлар концентрацияси.

2-индикатор. Транзит босим коэффициенти.

Ушбу индикатор доирасида қуйидаги мезонлар баҳоланади: аҳоли ҳаракати, транспорт оқими, ташқи ташриф буюрувчилар, кириш-чиқиш нуқталари ҳамда пик вақтларнинг мавжудлиги.

Транзит босим коэффициенти юқори бўлган ҳудудларда ташқи криминоген таъсирнинг кучайиш эҳтимоли ортиб боради.

3-индикатор. Жиноят ўчоқлари коэффициенти.

Мазкур индикатор доирасида аҳоли доимий тўпланадиган жойлар, назорат чекланган секторлар, конфликт муҳити мавжуд объектлар, илгари ҳуқуқбузарликлар кузатилган нуқталар ҳамда ташқи субъектлар концентрацияси баҳоланади.

Ушбу индикатор жиноятчилик юзага келиши эҳтимоли юқори бўлган нуқталарни аниқлаш имконини беради.

4-индикатор. Бозор муҳити коэффициенти.

Бунда савдо муҳити ҳажми, транспорт юкламаси, пиёдалар ҳаракати, норасмий иқтисодий фаолият ҳамда назорат инфратузилмасининг ҳолати ҳисобга олинади.

5-индикатор. Кўнгилочар муҳит коэффициенти.

Мазкур индикатор доирасида ресторанлар, кафе ва чойхоналар, тунги хизмат кўрсатиш объектлари, компьютер клублари ҳамда аҳоли тўпланиши баҳоланади.

Ушбу индикатор кечки ва тунги вақтларда юзага келиши мумкин бўлган криминоген босим даражасини аниқлашга хизмат қилади.

6-индикатор. Назорат инфратузилмаси коэффициенти.

Бунда видеокузатув тизимлари, ташқи ёритиш воситалари, периметр назорати, патруль имкониятлари ҳамда жамоатчилик назорати инобатга

олинади. О. Ньюман таъкидлаганидек, назорат муҳитининг шаклланиши жиноят содир этиш имкониятларини қисқартиришга хизмат қилади.

Таклиф этилаётган мазкур модель қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш имконини беради: биринчидан, маҳаллаларни криминоген юклама даражаси бўйича тоифалаш; иккинчидан, профилактика куч ва воситаларини мақсадли тақсимлаш; учинчидан, жиноят содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган ҳудудларни эрта аниқлаш; тўртинчидан, ресурсларни хавф даражасига мос равишда тақсимлаш; бешинчидан, СПТЕД ёндашувларини жорий этиш учун асос яратиш; олтинчидан, маҳаллаларнинг ҳудудий криминоген профилини шакллантириш.

Мазкур модель амалиётга татбиқ этилганда жиноятчиликка фақат натижа сифатида эмас, балки уни шакллантирувчи муҳит омиллари нуқтаи назаридан ёндашиш имконияти яратилади.

Криминоген вазияти мураккаб ҳудудларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича хорижий тажрибалар таҳлилига эътибор қаратиладиган бўлса, мазкур масала кўплаб давлатларда муҳит, инфратузилма ҳамда ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этилмоқда. Хусусан, жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида классик реактив ёндашувдан профилактик ва муҳитга йўналтирилган моделларга ўтиш тенденцияси кузатилмоқда.

Бу борадаги илғор хорижий давлатлар тажрибасини шартли равишда қуйидаги учта йўналишга ажратиб ўрганиш мумкин.

а) Муҳитга йўналтирилган профилактика тажрибаси.

Сингапур амалиётида аҳоли зич жойлашган, савдо муҳити ривожланган ҳамда транспорт юкламаси юқори бўлган ҳудудларда криминоген хавфни баҳолашда ҳудудий индикаторлардан фойдаланилади. Бунда аҳоли ҳаракати, ташқи субъектлар оқими, савдо муҳити, транспорт босими ва тунги фаоллик каби мезонлар асосида профилактика куч ва воситалари қайта тақсимланади.

Мазкур ёндашув жиноятчиликни содир этилгандан кейин бартараф этишга эмас, балки уни юзага келтирувчи муҳит омилларини бошқариш орқали камайтиришга қаратилган.

б) Жамоавий назорат ва маҳалла хавфсизлиги модели.

Япония тажрибасида жиноятларнинг олдини олишда ҳудудий назорат муҳим ўрин тутади. Айниқса, “Кобан” тизими орқали аҳоли тўпланадиган нуқталар, савдо ҳудудлари, транспорт узеллари ҳамда жамоат жойлари доимий мониторинг қилиб борилади.

Япония амалиётининг муҳим жиҳати шундаки, унда жиноятчилик статистикаси билан бир қаторда ҳудуднинг ижтимоий муҳити ҳам баҳоланади. Бу эса криминоген вазияти мураккаб маҳаллалар учун “ҳудудий криминоген профил”ни шакллантиришда аҳамият касб этади.

в) СПТЕД ёндашуви ва муҳитни қайта ташкил қилиш.

Буюк Британия ҳамда АҚШ амалиётида СПТЕД (Сриме Превентион Тҳроугҳ Енвиронментал Десигн) концепцияси кенг қўлланилади.

Т. Кроу таъкидлаганидек, муҳитни қайта ташкил этиш орқали жиноят содир этиш имкониятларини қисқартириш мумкин.

Мазкур концепция табиий кузатув, ҳудудий назорат, функционал зоналаштириш, кириш-чиқишни бошқариш ҳамда хавфсиз муҳитни шакллантириш каби элементларга асосланади.

Шу сабабли СПТЕД ёндашувини маҳалла даражасида жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш соҳасида ҳудудий ёндашувни кучайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмлар босқичма-босқич шакллантирилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари

ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш профилактиканинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган [1].

Шунингдек, “Жамоат хавфсизлиги концепцияси”да хавфсиз муҳитни шакллантириш, жамоат жойларида назорат механизмларини кучайтириш ҳамда замонавий бошқарув воситаларини жорий этиш устувор вазифалар сифатида қайд этилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сон қарори билан тасдиқланган “Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар концепцияси” мазкур соҳада муҳим ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади.

Концепцияда мураккаб маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш, жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда профилактик тадбирларни илмий-амалий ёндашувлар билан уйғунлаштириш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Шу билан бирга, Концепцияда криминоген вазиятга таъсир этувчи қатор ҳудудий омиллар ажратиб кўрсатилган. Жумладан, савдо ва бозор мажмуалари атрофида ҳуқуқ-тартибот куч ва воситалари етарли эмаслиги, аҳоли гавжум жойларда профилактик таъсирнинг чекланганлиги, ички миграция жараёнлари назоратининг етарли даражада эмаслиги, бозор атрофида ноқонуний савдо ҳамда автотураргоҳларни тартибга солиш муаммолари, СПТЕД ёндашувларининг тўлиқ жорий этилмаганлиги ҳамда жиноятчилик омилларини илмий таҳлил қилиш тизимининг етарли ривожланмаганлиги шулар жумласидандир.

Шу нуқтаи назардан мазкур Концепцияни криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда ҳудудий криминоген омилларни аниқлаш, баҳолаш ва уларга манзилли таъсир кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий асоси сифатида баҳолаш мумкин.

Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, амалиётда маҳаллаларнинг криминоген ҳолатини баҳолаш асосан жиноятлар статистикаси, профилактик ҳисоблар ҳамда мурожаатлар таҳлили асосида амалга оширилмоқда.

Айни вақтда транзит босим, иқтисодий муҳит, бозорлар, кўнгилочар объектлар ва жиноят ўчоқлари каби ҳудудий омиллар мустақил баҳолаш индикаторлари сифатида етарли даражада шаклланмаган.

Шу муносабат билан амалиётга “Ҳудудий криминоген баҳолаш модели”ни жорий қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги таклифлар илгари сурилади.

Биринчидан, маҳаллаларни баҳолашда жиноятчилик статистикаси билан бир қаторда иқтисодий объектлар концентрацияси, аҳоли ҳаракати, транспорт босими, бозор муҳити, кўнгилочар сектор ҳамда жиноят ўчоқлари каби ҳудудий индикаторларни жорий этиш лозим.

Иккинчидан, профилактика амалиётига “Ҳудудий криминоген баҳолаш индекси”ни киритиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, бозорлар, аҳоли тўпланадиган ҳудудлар ҳамда кўнгилочар секторлар учун СПТЕД асосида махсус профилактик стандартларни ишлаб чиқиш зарур.

Тўртинчидан, криминоген вазияти мураккаб маҳаллалар учун рақамли “Ҳудудий криминоген профил”ни шакллантириш тизимини жорий этиш таклиф этилади. Унда криминоген омиллар харитаси, хавф индекси, транзит босим, жиноят ўчоқлари, юқори хавфли вақт интерваллари ҳамда профилактика ресурслари акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

Ўрганишлар ва юқорида келтирилган таҳлиллардан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган “Ҳудудий криминоген баҳолаш модели” асосида маҳаллаларни қуйидаги тоифаларга ажратиш таклиф этилади:

И-тоифа – барқарор маҳаллалар.

Иқтисодий объектлар концентрацияси паст, ташқи субъектлар улуши чекланган, аҳоли ҳаракати нисбатан барқарор ва жиноят ўчоқлари кам бўлган ҳудудлар.

ИИ-тоифа – назорат талаб қилувчи маҳаллалар.

Иқтисодий фаоллик ўсиб бораётган, транспорт оқими ортиб бораётган, аҳоли тўпланиш нуқталари шаклланаётган ҳамда айрим жиноят ўчоқлари мавжуд ҳудудлар.

ИИИ-тоифа – юқори криминоген босимли маҳаллалар.

Бозор муҳити шаклланган, транзит босим юқори, ташқи субъектлар улуши катта, кўнгилочар муҳит мавжуд ва аҳоли тўпланиш нуқталари кўп бўлган ҳудудлар.

ИВ-тоифа – криминоген вазияти мураккаб маҳаллалар.

Бундай маҳаллалар учун алоҳида йўл хариталари, манзилли профилактика, кўп субъектли бошқарув, доимий криминологик мониторинг ҳамда илмий кузатув механизмларини амалга ошириш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятчиликнинг шаклланиши фақат шахс омили ёки ижтимоий ҳолатлар билан эмас, балки маҳалланинг ҳудудий хусусиятлари билан ҳам бевосита боғлиқ ҳисобланади. Хусусан, иқтисодий ва ижтимоий объектлар концентрацияси, йирик транзит йўлларнинг мавжудлиги, аҳоли ва транспорт оқими, бозор муҳити, жиноят ўчоқлари ҳамда кўнгилочар объектлар жамланиши маҳаллада криминоген босимни кучайтирувчи асосий ҳудудий омиллар сифатида намоён бўлиши аниқланди.

Тадқиқот жараёнида ҳудудий омиллар бир-биридан мустақил ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқ ва таъсир этувчи комплекс тизим сифатида шаклланиши асосланди. Жумладан, иқтисодий объектлар концентрациясининг ортиши ташқи субъектлар оқимининг кўпайишига, бу эса транзит босимнинг кучайишига, аҳоли тўпланиш нуқталари

шаклланишига ҳамда натижада жиноят ўчоқларининг пайдо бўлишига олиб келиши илмий жиҳатдан асосланди.

Тадқиқот натижалари криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларни баҳолашнинг мавжуд статистик ёндашувлари жиноятчиликка таъсир этувчи муҳит омилларини тўлиқ қамраб олмаслигини кўрсатди. Шу муносабат билан мақолада илк бор “Ҳудудий криминоген баҳолаш модели” таклиф этилди.

Мазкур модель қуйидаги индикаторлардан ташкил этилди: иқтисодий-ижтимоий концентрация коэффициенти, транзит босим коэффициенти, жиноят ўчоқлари коэффициенти, бозор муҳити коэффициенти, кўнгилочар муҳит коэффициенти ҳамда назорат инфратузилмаси коэффициенти.

Ушбу индикаторлар асосида маҳалланинг умумий криминоген ҳолатини баҳолаш, профилактика куч ва воситаларини қайта тақсимлаш ҳамда хавф даражаси юқори бўлган ҳудудларни барвақт аниқлаш имконияти мавжудлиги асосланди.

Тадқиқот давомида ўрганилган ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш соҳасида ҳудудий ёндашувни кучайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий асослар шаклланиб бораётганлигини кўрсатди. Айниқса, манзилли профилактика, СПТЕД концепцияси, “намунали хавфсиз кўча” ва “намунали хавфсиз уй” тизимларини жорий қилиш, рақамли мониторинг ҳамда илмий-амалий ёндашувларни қўллаш мазкур тадқиқот натижалари билан ўзаро уйғунлик касб этади.

Мақола доирасида олиб борилган тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятчиликка таъсир қилувчи ҳудудий омиллар тизимлаштирилди ҳамда уларнинг ўзаро таъсир механизми ишлаб чиқилди;

иқтисодий объектлар концентрацияси, транзит босим, бозор муҳити, жиноят ўчоқлари ва кўнгилочар секторни қамраб олган “Ҳудудий криминоген баҳолаш модели” таклиф этилди;

маҳаллаларни криминоген босим даражаси бўйича тоифалаш механизми ишлаб чиқилди;

криминоген вазияти мураккаб маҳаллалар учун рақамли “Ҳудудий криминоген профил”ни жорий этиш таклифи асосланди;

ҳудудий омилларни ҳисобга олган ҳолда жиноятларнинг олдини олишнинг ташкилий-профилактик механизми шакллантирилди.

Мақола доирасида олиб борилган тадқиқотнинг амалий аҳамияти ва натижалари қуйидагиларда намоён бўлади:

криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларни баҳолашда;

профилактика куч ва воситаларини тақсимлашда;

манзилли профилактика режаларини ишлаб чиқишда;

СПТЕД стандартларини жорий этишда;

“намунали хавфсиз кўча” ва “намунали хавфсиз уй” лойиҳаларини амалга оширишда;

маҳалла даражасида рақамли криминологик мониторингни ташкил этишда;

илмий тадқиқотлар ҳамда таълим жараёнида фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон (2014 йил 14 май) қонуни // ҳттпс://лех.уз/ру/досс/2387357.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27-сон (2021 йил 29 ноябрь) Фармони // ҳттпс://лех.уз/досс/5749291.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1-сон (2025 йил 3 январь) қарори // ҳттпс://лех.уз/досс/7330260.

4. *Шаw С.Р., МсКай Ҳ.Д. Жувениле Делинқуенсй анд Урбан Ареас.* – Чисаго: Университй оф Чисаго Пресс, 1942. – Б. 98-125.

5. *Жасобс Ж.* Тҳе Деатҳ анд Лифе оф Греат Америсан Ситиес. – Hew Ёрк: Рандом Ҳоусе, 1961. – Б. 35-58.

6. *Брантингҳам П.Ж., Брантингҳам П.Л. Енвиронментал Сриминологй*. – Беверлй Ҳиллс: Саге Публисатионс, 1981. – Б. 12-41.

7. *Соҳен Л.Е., Фелсон М.* Сосиал Чанге анд Сриме Рате Трендс: А Роутине Активитй Аппроач // Америсан Сосиологисал Ревиew. – 1979. – Вол. 44. – №4. – Б. 588.

8. *Hewман О. Дефенсибле Спасе: Сриме Превентион тҳроугҳ Урбан Десигн*. – Hew Ёрк: Масмиллан, 1972. – Б. 9-27.

9. *Cpowe Т.Д. Сриме Превентион Тҳроугҳ Енвиронментал Десигн: Апплисатионс оф Арчитестурал Десигн анд Спасе Манагемент Сонсептс*. – Охфорд: Буттерwортҳ-Ҳеинеманн, 2000. – Б. 15–39.

10. *Шерман Л.W., Гартин П.Р., Буергер М.Е.* Ҳот Спотс оф Предаторй Сриме: Роутине Активитиес анд тҳе Сриминологй оф Пласе // *Сриминологй*. – 1989. – Вол. 27. – №1. – Б. 27-56.

11. *Жамес Қ. Wилсон, Георге Л. Келлинг*. Брокен Wиндоwс: Тҳе Полисе анд Неигҳборҳоод Сафетй // *Атлантис Монтҳлй*. – 1982. – Вол. 249. – №3. – Б. 29–38.

12. Сингапоре Полисе Форсе. Урбан Полисинг анд Смарт Сурвеиллансе Прастисес. – Сингапоре, 2023.

13.Натионал Полисе Агенсй оф Жапан. Соммунитй Сафетй анд Неигҳборҳоод Полисинг Прастисес. – Токё, 2022.

М У Н Д А Р И Ж А

Саидов Б.А. Кириш сўзи.....3

Саидов Б.А. Жиноят-процессида шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича хорижий тажриба 5

Ахмедов. Ҳ.Э. Профилактика инспектори томонидан маъмурий назоратга олинган шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш.....24

Жўрақулов. Ш.Х. Жамоавий ҳайфсан ва жамоавий миннатдорчилик институтлари: ички ишлар органларида хизмат интизоми ва коррупцияга қарши муросасизликни таъминлашнинг замонавий механизми.....29

Усманалиев. Н.Қ. Рақамли ҳуқуқий таълим: геймификация ва казус-методига асосланган рақамли платформаларнинг долзарблиги ва истиқболлари.....36

Абдулхаев. А.А. Фирибгарлик жиноятларига қарши курашишнинг ҳуқуқий муаммолари.....46

Қобилов. Ш. Янги Ўзбекистонни коррупциядан холи мамлакатга айлантириш –муқаддас бурчимизга айланиши керак!.....52

Рапиков. Б. Шахсий хавфсизлик бўлинмаларининг ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида қонунийликни таъминлашдаги вазифалари.....58

Усманова. М. Ватанпарвар ва профессионал кадрларни тарбиялаш — коррупциянинг олдини олишнинг муҳим шарти.....66

Махмудов. М. Иқтисодий хавфсизлик – Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг муҳим воситаси.....73

Авилов. У.С Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларни тергов қилишда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тактикаси ва рақамли далилларни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари.....81

Худайберганов. У.Б. Айрим хорижий давлатларнинг полициялари томонидан криминоген вазиятни таҳлил қилиш фаолиятини ташкил этиш.....94

Эргашев. Э.У. Ички ишлар органларининг ижтимоий профилактика фаолиятини такомиллаштириш йўллари.....102

Сайётов. А.Х. Ички ишлар органлари фаолиятида коррупсиянинг олдини олиш ва аниқлашда ахборот технологиялари ва электрон воситаларнинг ҳуқуқий мақоми.....106

Болтабоев. А.А. Ўқувчи-талабалар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний айланишининг келиб чиқиш сабаблари таҳлили.....117

Рахматов. А.А. Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларни тергов қилишда ахборот технологияларидан фойдаланишни ташкил этиш.....124

Нарбеков. Л.Х. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти.....130

Таджиева. Н.К. Аёллар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органлари хотин-қизлар билан ишлар бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш.....141

Турдибоева. Г.Д. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган хотин-қизлар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш.....146

Нарзуллоев. Х.Н. Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ва профилактикани такомиллаштириш йўллари: хорижий давлатлар тажрибаси.....152

Мўминов. А.У. Қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этишда тезкор-аналитик бошқарув ва профилактик назоратни такомиллаштиришга оид айрим фикр ва мулоҳазалар.....162

Худойбердиев. Я.Э. Тергов бўлинмалари фаолиятини рақамлаштириш: Замонавий тенденциялар, хорижий тажриба ва мавжуд муаммолар.....170

Холиқов. А.Ю Криминоген вазияти мураккаб маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва хавфсиз муҳитни яратиш.... 175

Халимов. А.Ш. Хавфсиз туризмни таъминлашда рақамли технология ва инновацияларни жорий этиш масалалари 183

Тожибоев. Б.Б. Даркнетдаги онлайн платформаларда содир этиладиган кибержиноятлар ва уларга қарши курашишнинг долзарб муаммолари…...…188

Бердиев. З.З. Олий таълим муассасаларида кибержиноятларнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштириш: назарий ва амалий жиҳатлар.....195

Ешимбетов. Р.К. Ижтимоий-иқтисодий омилларнинг ҳуқуқбузарликларга та’сири ва уларнинг криминоген аҳамияти.....205

Агзамов. Ф.А. Оммавий тартибсизликлар шароитида ҳудудий ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмалари фаолияти тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти.....212

Муҳаммадиев. Ф.И. Рақамли глобаллашув даврида асимметрик терроризм феномени: Сун'ий интеллект назорати ва халқаро де-радикализатсия моделларининг синергияси.....223

Ахмадов. Ш.Б. Криминоген вазият оғир бўлган ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда “Маҳалла еттилиги” ҳамкорлигининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили…….....….....229

Ахмедов. А.А. Терроризмга қарши курашда ҳамкорлик масалалари..... 236

Маматов. А.М. Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятлари профилактикасида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ҳамкорлиги.....247

Халиков. К.Б. Қидирувдаги шахсларни қидирувини амалга оширишни такомиллаштириш.....252

Касимов. С.К. Маҳаллаларда жиноятчиликни бартараф этиш ва олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорлиги.....256

Каримов. Р.Р. Ғайриижтимоий ҳулқ-атворга эга вояга етмаганлар жиноятчилигини барвақт олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари.....267

Иноғомов. А.Р. Мулкий турдаги жиноятларни олдин олиш ва фош этишнинг бугунги ҳолати.....272

Шодиев. Б.Н. Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги маълумотларни муҳофаза қилиш мазмуни ва аҳамияти.....278

Шарипов. С.С, Қурбонов. Ж.С. Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олишда ҳудудий криминоген омилларнинг ўрни ва аҳамияти.....284

Абдуразаков. А.А. Криминоген вазияти мураккаб маҳаллалар: ўзига хос хусусиятлари, баҳолаш мезонлари ва профилактика механизмлари.....303

Арапатов. С.Б. Бугунги кунда кибержиноятчиликка қарши курашиш ва профилактикасини ташкил этишнинг долзарб масалалари.....313

Джагбаров. А.З. Криминоген вазияти мураккаб маҳаллалар: ўзига хос хусусиятлари, баҳолаш мезонлари ва профилактика механизмлари.....323

Жўраев. А.Ж. Жиноятларни тергов қилишда ўтказиладиган процессуал ҳаракатларни соддалаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш масалалари.....328

Мадаминов. Э.Х. Ахборот-таҳлил фаолиятининг ички ишлар органлари тезкор-қидирув хизматларидаги ўрни ва аҳамияти.....336

Мустафоев. Б.Б. Ички ишлар органларининг интернет тармоқлари орқали қонунга хилоф равишда қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўтказилишига қарши курашиш фаолиятини ташкил этишнинг янги босқичлари.....347

Насриддинов. И.Р. Ички ишлар органларининг ёшларни уюшган жиноий тузилмалар таркибига жалб қилишга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш.....353

Саттаров. Ф.Ф. Талабалар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирлари самарадорлигини оширишда рақамли технологияларнинг ўрни……...357

Сирожиддинов. И.И. Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик тарқалишининг асосий сабаблари ва салбий оқибатлари.....365

Юсупов. С.Б. Рақамли далилларни олиш ва процессуал расмийлаштириш билан боғлиқ бугунги кундаги амалиёт: муаммо ва ечимлар.....372

Касимов. Ф.О. Тошкент шаҳар криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.....382

Рахмаиллаев. А.Р. Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида давлат бошқарувининг ҳуқуқий табиати..... 386

Улуғбеков. Б.У. Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жойлашган йирик бозорларда жамоат тартибини сақлаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.....393

Эсанов. Д.И. Гиёҳванд моддаларнинг интернет орқали ноқонуний айланиши ва унга қарши курашиш..... 403

Солиддинов. Ф.Ш. Алкоголизм ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахслар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг турлари ва ижтимоий хавфлилик даражаси.....413

Ўктамов. О.У. Тезкор-қидирув тадбирлари натижаларидан далил сифатида фойдаланиш: миллий қонунчилик ва илғор хорижий тажриба қиёсий таҳлили.....421

Гулматов. М.А. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш: ҳуқуқий асослари ва қўллаш чегаралари..... 427

Худойкулов. С.А. Ички ишлар тизимида бошқарувни рақамли технологиялар асосида ташкил этиш: муаммолар, таҳлил ва такомиллаштириш йўналишлари.....432

Каллибеков. С.К. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда такомиллаштириш йўллари.....438

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Республика илмий-амалий конференция материаллари
(2026 йил 01 июнь)

Муҳаррирлар

Босишга рухсат этилди 00.00.2024. Нашриёт-ҳисоб табоғи 00.
Адади 20 нусха. Буюрма №. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68